2007 ЙИЛ, 10 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 176 (10.985) Баҳоси эркин нархда

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 7 СЕНТЯБРЬ КУНИ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун, мана шу муборак кунда сиз азизлар билан қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан шу табаррук заминда тўпланиб турибмиз.

Барчангизни, аввало кўпни кўрган, бағрикенг ва оққўнгил Марғилон элини, Фарғона водийси аҳлини, бутун халқимизни ана шу қутлуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Мана шу тантанали маросимда иштирок этаётган чет эллик ҳурматли меҳмонларимизни самимий қутлаб, уларга сизларнинг номингиздан, халқимиз номидан эзгу тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун барчамиз учун ҳақиқатан ҳам қувончли ва унутилмас тарихий кун. Яъни, Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келаётгани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олиниши албатта барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Чиндан ҳам, бундан йигирма аср муқаддам Марғилонсой соҳилларида вужудга келган, юртимиздаги илк одамзод масканларидан бири бўлган бу шаҳар ўлкамизда ўтроқ ҳаёт, юксак деҳқончилик ва суғориш маданияти олис замонларда шаклланганини ва равнақ топганидан далолат беради.

Кўҳна Марғилон замини ўзининг ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари билан Миср ва Юнонистон, Сурия ва Византия, Эрон ва Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда маълуму машҳур бўлгани ҳам буни тасдиқлайди.

Табиийки, Марғилоннинг бошқа кўҳна шаҳарларга ўхшаш жиҳатлари бор, лекин у кўпгина ўзига хос белги-аломатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Илмий манбалар, археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришича, Марғилон ўта ноёб бир хусусиятга эга бўлиб, 2000 йил олдин аждодларимиз айнан шу ерда илдиз отиб, шаҳар пойдеворини қургани ва орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан, унинг ўз тарихий ҳудудида бугунги кунга қадар муқим ривожланиб келаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Албатта, бу ҳолнинг асл сири ва сабабларини аниқлаш учун ҳали яна кўп тадқиқот ва изланишлар олиб бориш талаб қилинади.

Милоддан олдин пайдо бўлиб, Хитойдан то Испаниягача бўлган бепоён ҳудудни қамраб олган Буюк Ипак йўли қанча-қанча манзилу маконларни кесиб ўтган. Бу ҳақда гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, бугун ана шу шаҳарларнинг аксарияти фақат қадимий хариталарда сақланиб қолганини кўриш мумкин.

Лекин Буюк Ипак йўлининг таъсири ва тарихий илдизларини, таъбир жоиз бўлса, унинг нафасини ўзида сақлаб келаётган Марғилондек шаҳарлар, ўйлайманки, ер юзида камдан-кам топилади.

Айниқса, бу гўзал диёр ҳанузгача бутун дунёни мафтун этадиган шоҳию адрас, ипак маҳсулотлар маркази бўлиб қолаётгани, бундай ўта нозик ҳунарнинг моҳир усталари шу юртда камолга етаётгани ҳам шуни исботлайди.

Айни пайтда Марғилон шаҳрининг миллий давлатчилигимиз ривожида ўзига хос из қолдиргани ҳам ҳозирги кунда кўп-кўп илмий далиллар асосида аён бўлмоқда.

Бунинг тасдиғини аввало олис ўтмишда бу ерда мустаҳкам қалъа ва саройлар, мудофаа иншоотлари, эллик чақирим наридан кўринадиган баланд минора мавжуд бўлгани, пул чиқариш йўлга қўйилгани мисолида кўриш мумкин.

Марғилон ҳақида сўз борар экан, буюк аждодимиз Бобур Мирзонинг, билаги зўр инсонлар, яъни энг ботир полвонлар Марғилон заминидан чиқади, деган сўзлари, ҳеч шубҳасиз, бугунги ҳақиқатни ҳам ифода этади. Ўз-ўзидан равшанки, барча кўҳна шаҳарлар қатори Марғилон ҳам асрлар давомида турли синов ва суронларни бошидан кечирди. Лекин ана шундай жасур ўғлонлари, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ўз юртини ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга қодир бўлгани, фидойилиги ва матонати ҳисобидан Марғилон шаҳри, мана, икки минг йилдирки, ўзлигини сақлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, безавол яшаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).



***Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида маънавий сарчашмаларимиз қайта кўз очди. Айниқса, миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк алломаларимиз ва қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланаётгани ҳам бунинг яққол далилидир.***

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларимиз Шарқнинг маърифат бешиги сифатида машҳур. Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий ва навқирон Марғилон ҳам мамлакатимизнинг шонли тарихи, миллий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорини бутун юртдошларимиз кўтаринкилик билан кутиб олди. Мазкур қарор миллий маънавиятимизни юксалтириш, Марғилондаги тарихий обидаларни тиклаш, уни обод этиш ва шаҳар аҳли фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Қадимий Марғилон бугун байрам оғушида. Барчанинг юзида, кўзида байрамона кайфият, шу юртдан, шу элдан, Истиқлолимиздан фахрланиш туйғуси акс этиб турибди.

Бой тарихи ва бетакрор маданияти, маънавият ва маърифати билан дунё халқлари диққатини ҳамиша ўзига тортган икки минг ёшли Марғилон бугун ҳар қачонгидан ҳам тароватли манзара касб этган.

Дарҳақиқат, қадимий шаҳар қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Юбилей муносабати билан барпо этилган иншоотлар орасида Ёшлар хиёбони алоҳида ўрин тутади. У аквапарк, 1400 ўринли амфитеатр, чойхона, интернет-кафе ва кўплаб аттракционларни ўз ичига олган. Қарийб 10 гектар майдонни эгаллаган хиёбоннинг каттагина қисми кўкаламзор.

...Қутлуғ тўй сururидан янада гўзал ва кўркам қиёфа касб этган ушбу хиёбон марказидаги амфитеатр Марғилон юбилейи шодиёналарининг иштирокчилари – Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум.

Соат 18.30. Юбилей тантаналари бошланишидан дарак бериб чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Фарғона аҳлини, бутун халқимизни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан муборакбод этди. Бугунги кунда Марғилон шаҳри нафақат тарихий маскан, балки навқирон ва замонавий шаҳарга айланганлиги истиқлол берган имкониятлар ва халқимизга хос бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин далили эканлигини алоҳида таъкидлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини байрам аҳлига мазкур халқаро ташкилот бош директори Коичиро Мацууранинг байрам табригини етказар экан, Марғилон ўзининг бой тарихи, маданияти ва маънавияти, ҳунармандчилик анъаналари билан дунё халқларини доимо ҳайратга солиб келганлигини қайд этди.

Тантанада сўзга чиққан марғилонлик қурувчи Камолиддин Йўлдошев, Марғилон тиббиёт коллежи ўқувчиси Зилола Болтабова мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муқаддас заминимиздаги цивилизация бешикларидан бўлган қадимий шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйларини нишонлаш мамлакатимизда хайрли анъанага айлангани, юртимизнинг барча гўшаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидладилар. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар шаҳарнинг тубдан ободонлашуви, тарихий обидаларининг тикланиши, аҳолининг яшаш ва меҳнат шароити яхшиланишида, кишилар кайфиятининг янада кўтарилишида жуда катта аҳамият касб этгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 январдаги қарорига мувофиқ, Марғилоннинг буюк фарзанди — жаҳон халқларининг маънавий тараққиётига, хусусан, фиқҳ илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги кенг нишонланди. Улуғ аждодимиз шарафига шаҳар марказида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Бугунги кунда мазкур мажмуа нафақат Фарғона водийси аҳлини, балки барча юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг қутлуғ зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Марғилон тўйига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишлар миқёси ва мазмуни, аввало, шаҳардаги тарихий обидаларнинг қайта тикланишида яққол намоён бўлди. Бир қанча қадимий масканлар ва зиёратгоҳларда кенг кўламдаги қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Давлатимиз раҳбари Марғилонга ташрифи чоғида ана шундай иншоотлардан бири — Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов номига кўплаб мамлакатлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**

**●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Гулистон шаҳрида 7 сентябрь куни ўтказган қўшма мажлисда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.**

**●Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича халқаро комиссияси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ташкил этди. Ушбу илмий анжуманга 30 дан зиёд мамлакатлардан таниқли олимлар, археологлар, тарихчилар ва юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари ташриф буюрдилар.**

**●«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган янги почта маркасини тайёрлади. Марғилонда ушбу марканинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

**●«ЭАУССЯ Яккабоғ текс» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси йилига 2800 тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларнинг деярли ҳаммаси Россия, Украина, Туркия, Германия ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинади.**

**●Нурота туманидаги Ғозғон мавзесида фаолият кўрсатаётган «Росс-Ўзмармар» масъулияти чекланган жамияти цехларига янги технологик линиялар ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Корхонада тайёрланаётган мармар плиткаларга Россия, Италия, Украина ва бошқа давлатлардан буюртмалар тушмоқда.**

**●Хусусий тадбиркор Сайидназар Ражабов етакчилик қилаётган Хонқа туманидаги Хонқаобод қишлоғидаги кичик корхонада янги турдаги халқ истеъмоли моллари ҳам тайёрланмоқда. Бу ерда ойига 2-2,5 миллион сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.**

**●Термиз туманидаги «Паттакесар» қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу ерда 15 нафар тиббиёт ходими 3 мингдан ортиқ аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**●Нью-Йорк маъмурлари 2001 йилда террорчилар томонидан вайрон қилинган Бутунжаҳон савдо марказининг эгизак бинолари ўрнига янги бино қуриш учун рухсат беришди. Лойиҳа муаллифларининг журналистларга айтишича, ушбу қурилиш 2012 йилда якунланади. Эгизак бинолар ўрнида қурилган иншоот ёнида яна учта осмонўпар бино ҳам қад ростлайди.**

**●Ҳиндистон ўз буюртмасига кўра «денгиз илони» қидирув-мўлжалга олиш тизими ўрнатилган Россиянинг 5 та «Ил-38» самолётини қабул қилиб олишдан воз кечди. Ҳиндистон томони шартнома бўйича модернизация қилинган «Ил-38» учун маблағ ўтказишни тўхтатиб қўйган.**

**●Россия ва Австралия атом энергиясидан тинч мақсадлар йўлида ҳамкорликда фойдаланиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Австралия ташқи ишлар вазирлиги маълумотига кўра, ушбу мамлакат йилига Россияга 1 миллиард долларлик уран хомашёси етказиб беради. Россия томони урандан фақат тинч мақсадлар йўлида фойдаланишини кафолатламоқда.**

**●Американинг «Боинг» авиакомпанияси ўзининг янги турдаги «787 Dreamliner» самолёти синовини яна кечиктирди. Мазкур самолётни яратиш устида олиб борилаётган ишларга масъул Майк Блэр айни пайтда синов парвозлари қачон амалга оширилиши тўғрисида аниқ бир нарса дейиш қийинлигини, бироқ жорий йил охирига қадар ушбу самолёт самога дастлабки парвозларини бошлашини маълум қилди.**

**●Сурия мудофаа вазирлиги вакили мамлакат ҳаво кенгликларига бостириб кирган Исроил қирувчи самолётига қарши ўт очилганини билдирди. Мамлакат шимолидан кириб келган ва шарқ томонга ҳаракатланган мазкур самолёт, вакилнинг сўзларига қараганда, чўл ҳудудига бомба ҳам ташлаган. Бироқ бундан ҳеч ким жабр кўрмаган.**

**●Яқин ҳафталар ичида Ироқда Америка ҳарбийлари сони 172 минг нафарга етади. Бу ҳақда Пентагон вакили, генерал-майор Ричард Шерлок журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, америкалик ҳарбийлар ротацион тартибда алмаштирилмоқда.**

**●Таниқли опера қўшиқчиси Лучано Паваротти 71 ёшида вафот этди. Бетакрор овоз соҳибининг вафоти муносабати билан Зальцбург шаҳрида ўтказилаётган йирик Европа мусиқа фестивалида қора байроқ илинди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**УЧТЕПА** туманидаги Журжоний маҳалласида жойлашган 8-оилавий поликлиникада юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда Самарқанд шаҳрида уюштирилган «Шарқ тароналари—2007» фестивалининг ғолиби деб топилган Жанубий кореялик санъаткорлар ҳам иштирок этишди ва шифохона фаолияти билан яқиндан танишишди.

●**УЧТЕПА** туманидаги туман ИИБ ташаббуси билан ўтказилган тадбирда туманда яшовчи 16 ёшли йигит-қизларга фуқаролик паспортлари топширилди.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Мустақиллигининг 16 йиллигига туҳфа сифатида бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланган шаҳримиздаги 5-болалар клиник шифохонаси замонавий бинода ўз фаолиятини бошлади.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

ASIAN CHAMPIONSHIPS UZBEKISTAN 2007

**ПОЙТАХТИМИЗДА ТЕННИС БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. УШБУ ҚИТЪА ТУРНИРИНИНГ ИККИТА АСОСИЙ НОМИНАЦИЯСИ – АЁЛЛАР ВА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДАГИ БЕЛЛАШУВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР УСТУН КЕЛИБ, ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ. ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ИРОДА ТЎЛАГАНОВА ВА ДЕНИС ИСТОМИН 2007 ЙИЛ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ УНВОНИГА САЗОВОР БЎЛИШДИ.**



*Осиё чемпионати—2007*

## ҒАЛАБА ЯНА БИЗ ТОМОНДА!

Дарҳақиқат, спорт – инсонларга хос бўлган куч-қудрат ва иродани шакллантирувчи ҳамда мамлакат нуфузини юксалтирувчи омилдир. Шу билан бирга, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, спорт – халқларни бирлаштирувчи катта куч ҳамдир, дея алоҳида таъкидлаб ўтди ғолибларни тақдирлаш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев. Кетма-кет республикамизда олтинчи марта ўтказилган Осиё чемпионати, шубҳасиз, янги чемпионларни кашф этди ва ёш умидли спортчилар учун маҳорат бобида трамплин вазифасини ўтади. Ўз навбатида, Осиё қитъаси мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги абадий дўстлик мустаҳкамланиб бораётганини ҳам намойиш этди. Айтиб ўтиш жоизки, Тошкентда ўтказилган бу турнирларда кейинги йилларда 30 та давлат вакиллари иштирок этди.

Осиё теннис федерацияси турли тоифадаги ўнлаб мусобақаларга ташкилотчи бўлиб, унинг мақоми остида ўтказиб келинаётган қитъа чемпионати энг нуфузли турнир сифатида алоҳида ўрин эгаллайди.

Осиё чемпионатига 1972 йилда асос солинган бўлиб, дастлабки мусобақалар Гонконг, Ҳиндистонда ўтказилган. 18 йил ўтгач турнир профессионал мақомга эга бўлди ва унга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бора бошлади. Аммо бу турнир фақат мукофот жамғармаси билан кифояланиши ва рейтинг очколар бермаслигини инобатга оладиган бўлсак, чемпионат иштирокчилари сафи маълум вақтга қадар қандай шаклланиб келганини англаш қийин эмас.

(Давоми 4-бетда).

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### Юсуф Хос Ҳожиб

**ҲИКМАТЛАР**

**Барча сўзни эшит, аммо дарров ишона қолмагин — уни мантиқ тарозисига солиб кўр.**

* * *

**Ўз сирларингни ҳар кимга очма. Кишига ҳасад қилма.**
**Бу икки қиликдан доим ғам-ташвиш келади.**

* * *

**Аралашмасдан олдин кишиларни синагин.**

* * *

**Хулқингни хуш тут, нарса учун қайғурмагин,**
**Хулқинг хуш бўлса, нарсанинг ўзи келаверади.**

* * *

**Ёмон учун мол-товарнинг нима кераги бор?**
**(Мол-дунё) унга қанчалик келмасин, у барибир қашшоқ билан тенг бўлади.**

* * *

**Уятсиз кишидан зинҳор йироқ тур,**
**Уятлиларга мендан минг-минг олқишлар бўлсин.**

* * *

**Барча ишда ҳам шошилма, сабрли бўл, ўйлаб кўр,**
**Сабрли кишилар орзуга етади.**

* * *

**Қаерда бўлмасин, феъл-рафторни мўътадил тут,**
**Феъл-рафторни мўътадил тутсанг, қут сенга ўрмалаб келаверади.**

* * *

**Тилингга эҳтиёт бўл, кўзингни асра,**
**Нафсингни сақла, ҳалол ва оз егин.**

* * *

**Бошқаларга зиён соғинма, ўзинг ҳам зиён кўрма,**
**Фақат яхшилик қил, ҳавас ва орзуни босгин.**

* * *

**Қандай ерга кирсанг, чиқишингни кўра бил,**
**Агар чиқишни билмасанг, ишинг кони зиён бўлади.**

* * *

**Қачон қаҳринг келса, ўзингни тут, сабрли бўл,**
**Сабрли кишининг севинчи олдида.**

* * *

**Киши сабр қилса, бузилган ишини тўғрилайди.**

* * *

**Киши сабр қилса, ўз тилагини топади,**
**Сабр қилиб тургувчи киши оққуш тутади.**

* * *

**Агар меҳнат-машаққат ёки қайғу алам юз урса,**
**(Уларга) сабр қилсанг, ўнгингдан шодлик келади.**

* * *

**Давлат ҳовлиқтиргудек бўлса, қут ҳаддини билса,**
**Ўзини йўқотиб қўймаса, барчаси тугал соз бўлади.**

* * *

**Сабр қилса, киши кўкка ҳам йўл топади.**

* * *

**Сабр қилиш ҳам жасурлар иши.**

* * *

**Ўлимни унутма, ҳозир бўлиб тур, ёдда тут,**
**Ўзингдан кетма, аслингга назар ташла — кимсан?**

* * *

**Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,**
**Бу ёлғон туфайли қорадир юзинг.**

* * *

**Ёру дўстга доим яқинлик ула,**
**Улуғу кичикка боқа бил кула.**

* * *

**Туз ва нонга (феълингни кенг) тут, одамларга едир,**
**Кишининг айбини кўрсанг, очма, яшир.**

* * *

**Давлатинг зиёда бўла берса, сен унга мағрурланиб кетмагин.**

* * *

**Бу мол-дунёга маҳлиё бўлма, у кўпаяди ва яна камаяди.**

* * *

**Тирикликка ишонма, (у) тушдек ўтиб кетади,**
**Омонат бахтга инонма, у қушдек учиб кетади.**

* * *

**Тирикликни беҳуда кетказма, яхшилик қил,**
**Ўтаётган кунларда ўзингга кераклигини қилиб ол.**

* * *

**Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил,**
**Бу икки нарса гадолик тўнини кийгазади.**

* * *

**Меҳрибонлик асли кишилик боши.**

* * *

**Оқибатли киши ўгитини ол,**
**Бу ўгит бўлади зўр давлат мисол.**

* * *

**Меҳрибон кишидир кишининг чини,**
**Унинг ўгитлари улуғлар сени.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

*Муҳтарам Нигорахон!*

*Таваллуд айёмингиз билан қутлайман. Умрингиз узун, бағрингиз бутун бўлсин! Саховатпешалик ҳамиша умрингизни безаб турсин!*

*Гулчеҳра опангиз*

(Газетанинг навбатдаги сони 12 сентябрда чиқади)

## Спорт янгиликлари

### ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАКАМЛАРГА ЮКСАК ИШОНЧ

**ЯҚИНДА КАНАДАДА 20 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ФИФА ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАКАМ РАВШАН ЭРМАТОВГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛИБ, У ФУТБОЛ БЕЛЛАШУВЛАРИДА БОШ ҲАКАМ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТГАНДИ.**

Айни кунларда Жанубий Кореяда ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилмоқда. Шуниси қувонарлики, ушбу мусобақаларга Халқаро футбол федерацияси Равшан Эрматовни яна бош ҳакам сифатида таклиф қилди. Дарвоқе, яна бир ҳамюртимиз, ФИФА рефери ассистенти Абдуҳамид Расулов Равшан Эрматовга ёрдам беради.

Шуни хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жаҳон чемпионатида қитъамизнинг Япония, Австралия, Қирғизистон каби мамлакатларидан келган вакиллар ҳам ҳакам сифатида иштирок этишади.

### МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИ

**ГЕРМАНИЯДА УЮШТИРИЛГАН ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ТЕЗКОР ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҲАМЮРТИМИЗ, СОБИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИ.**

Дунёнинг энг кучли «ақл гимнастикаси» усталари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада франциялик Этьен Барфо ҳамда Қосимжонов бир хил очко жамғариб учинчи ўринни эгаллашди.

Финалда арманистонлик Левон Афонян билан беллашган ҳиндистонлик Анандга омад кулиб боқди. Рақибини 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этган Ананд тезкор шахмат бўйича уюштирилган жаҳон чемпионатининг ғолиби бўлди.

**ҚАРШИДАГИ МАРКАЗИЙ ТЕННИС КОРТИДА УЮШТИРИЛГАН ПР ТУРКУМИГА КИРУВЧИ «ЧЕЛЕНЖЕР» ТУРНИРИ ҲАМЮРТИМИЗ ДЕНИС ИСТОМИНГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.**

### «ЧЕЛЕНЖЕР» ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

Илгари ҳам Қаршида икки марта ташкиллаштирилган «Фючерс» турнири ғолиблигини қўлга киритган Денисга бу сафар финалда туркиялик спортчи Марвел Илхан рўбарў келди. Икки сет давом этган баҳс 6/1, 6/4 ҳисобида якунланиб Денис Истомин фойдасига ҳал бўлди.

Ушбу турнирнинг жуфтликлар баҳсида барча рақибларидан устун келган австралиялик Эндрю Козльо ва Адам Феннейрлар турнир ғолиби деган номни қўлга киритишди.

### ПЕКИНДАН ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН

**ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗДА СПОРТНИНГ УШБУ ТУРИ ЁШЛАР ОРАСИДА ОММАЛАШИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ ЯНА БИР КАРРА ИСБОТЛАДИ.**

Нуфузли турнирнинг 64 килограммгача бўлган полвонлари иштирокидаги баҳсларда барча рақиблари курагини ерга теккиза олган ҳамюртимиз Абдул Аммаев финалда россиялик Анзор Уришев билан куч синашди. Жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик кўрган ҳамюртимиз рақиби устидан ғалаба қозониб Пекиндан Тошкентга олтин медаль билан қайтиб келди.

### БИР ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

**БУТУНЖАҲОН БОКС ТАШКИЛОТИ (WBO) ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС ТОБОРА РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАЙДИ.**

Шуниси қувонарлики, рейтинг жадвали натижасига кўра юртдошларимиз — Қаҳрамон Орзиқулов ва Қувончбек Тойғанбоев бир поғона юқорилашга муваффақ бўлишган.

WBO йўналишининг 52,1 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилаётган, ҳозирда қитъалараро «Inter-Continental» камари соҳиби Қаҳрамон Орзиқулов 21 июлда тожикистонлик Шуҳрат Усмоновни енга олганидан кейин рейтинг жадвалида тўртинчи поғонага кўтарилиб олди.

Яқинда Бекобод шаҳрида 69,8 килограмм вазнлилар жангида грузиялик Пуртсиванидзедан очколар ҳисобида устунлик қилган Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси Қувончбек Тойғанбоев рейтинг жадвалида олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Дарвоқе, профессионал рингда 33 та учрашув ўтказиб, 29 марта ажойиб ғалабани қўлга киритган Қувончбек яқин келажакда WBOнинг асосий камарига даъвогарлик қилиши мумкин.

**МОНТЕ-КАРЛО ШАҲРИДА ФУТБОЛ МУТАСАДДИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА ЭНГ НУФУЗЛИ ТУРНИРЛАРДАН ҲИСОБЛАНГАН ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ 2007-2008 ЙИЛЛАРДА ЎТАДИГАН ГУРУҲ БАҲСЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

### ШАЦКИХ ЖАМОАСИ — КУЧЛИЛАР САФИДА

Унга кўра ҳамюртимиз, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори, моҳир ҳужумчи Максим Шацких тўп сураётган Киевнинг «Динамо» командаси «F» гуруҳидан ўрин эгаллади. Шуниси эътиборлики, ушбу гуруҳда «Динамо» Англиянинг «Манчестер Юнайтед», Португалиянинг «Спортинг» ва Италиянинг «Рома» жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ГАЛАБА ЯНА БИЗ ТОМОНДА!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

2002-2007 йиллар Осиё теннис федерацияси (ОТФ) ва умуман қитъа теннисси тарихида ўзига хос ёрқин саҳифа бўлиб қолади. ОТФси ассамблеяси томонидан давлатимиз номидан ташаббус билдирган Ўзбекистон теннис федерациясининг чемпионатни 2002 йилдан бошлаб уч йил давомида республикамизда ўтказиш ҳақидаги таклифи тўлиқ қўллаб-қувватланди. Мазкур турнирни кейинги муддатларда ўтказишга даъвогар давлатлар кўп бўлган бўлсада, аммо Осиё теннис федерацияси мамлакатимизнинг ATP, WTA ва ITP доирасида қитъа ва жаҳон турнирларини ташкил этишдаги катта тажрибасини инобатга олиб, 2005-2007 йилларда турнирни Ўзбекистонда ўтказишга яна бир бор ишонч билдирди.

Ушбу турнир Осиё қитъасининг кучли теннисчиларини бирлаштириш билан бирга, жаҳонда ҳам эътироф этилган. 2002 йилдан бошлаб, яъни Тошкентда ўтказиб келинаётганидан буён яккаликдаги мусобақалар ғолиблари «Австралиан опен» – жаҳоннинг «Улкан Тож» номи остидаги тўртта турниридан бирига йўлланмани ҳам қўлга киритадиган бўлди.



Айнан жаҳон майдонида «вилд кард» бўйича – ишонч йўлланмаси билан иштирок этиш имконияти очилгани Осиё чемпионатининг профессионал жиҳатдан юксалиб боришига асос яратди. Бу турнир жаҳон мусобақаларида тўғридан-тўғри қатнашиш имконияти бўлмаган маҳоратли спортчиларга саралашсиз ўзини синаб кўришга имконият очиб берди.

Осиё чемпионатида иштирок этиб, шундай шарафга эга бўлган Япония, Тайпей, Гонконг ва Ўзбекистон спортчилари ўз мамлакатлари шаънини нафақат Осиёда, балки жаҳоннинг очиқ чемпионатида ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Улар орасида ўзбекистонлик теннисчилар ҳам борлиги биз учун ғурур ва ифтихордир. 2003-2006 йилларда Осиё чемпионати шоҳсупасидан Вадим Куценко, Денис Истомин, Оқгул Омонмуродова ва Ирода Тўлаганова ўрин эгаллаган.

Бу сафар ҳам – Осиё чемпионати мамлакатимизда олтинчи марта ўтказилаётган йилда ўзбекистонлик спортчилар қитъада энг кучли ўйинчи эканлигини яна бир бор намойиш этиб, Осиё чемпиони бўлди ва келгуси йилда Австралияда бўлиб ўтадиган жаҳон турнирига йўлланмани қўлга киритдилар.

Анъанага кўра, бу турнирда янги умидли спортчилар номи аниқланиб, келгусида катта-катта мусобақаларда ўз миллий жамоалари ва мамлакатлари шарафини бемалол ҳимоя қила олишлари борасида мутахассислар томонидан тилаклар билдирилди. Ўзбекистонлик Альбина Хабибуллина ва Важа Узоқов, ҳиндистонлик Тара Айер ва япониялик Татсума Ито шулар жумласидандир.

Номлари қайд этилган спортчиларимиз чемпионатда «вилд кард» асосида қатнашиб, мураббийлари ва мухлислари билдирган ишончни тўла оқлашди, десак муболага бўлмайди. Чемпион Ирода Тўлагановага бештадан учта жуфтлик ўйинларида Альбина Хабибуллина ҳамроҳлик қилган бўлса, Важа Узоқов Денис Истоминга шоҳсупани муваффақиятли забт этишида том маънода қувват бахш этди. Важа финалгача бўлган масофа давомида кетма-кет сараланган, яъни кучли теннисчилар енгиб ўтиб, Истоминни кейинги поғоналарда кутаётган оғир тўсиқларни олиб ташлашга эришди.

Турнирнинг финалчи бўлган ҳиндистонлик Тара Айер учун, унинг фикри билан айтганда, бу чемпионат катта маҳорат мактаби бўлиб қолади. Келгусида Тара Тошкентга яна келиш истаги борлигини таъкидлаб ўтди.

Ҳар бир спортчи учун халқаро майдондаги мусобақаларда биргаликда — миллий жамоа аъзолари билан қатнашиши катта кучдир. Лекин бу йилги чемпионатда бир ўзи қатнашаётган Татсума Ито унинг зиммасига қандай масъулият юклатилганини яхши англаган ҳолда финалгача бўлган мусобақалар давомида бор куч ва имкониятларини намойиш этишга ҳаракат қилди. Дунёда 363-поғонани эгаллаб турган Татсума Ито ярим финалда шоҳсупага даъвогарлик қилаётган кучли теннисчи қозоғистонлик Алексей Кедрюкни анча «тер тўкишга» мажбур этгани кўпчиликни ҳайратга солди. Аммо финалда эса Денис Истоминга рўбарў келиб, ортга чекинишга ўзи мажбур бўлди.

Жуфтлик ўйинлар натижалари бўйича ўзбекистонлик спортчилар ғалаба нашидасини бўлишишига тўғри келди. 2004-2006 йиллар давомида Мурод Иноятов ва Денис Истомин жуфтлиги кетма-кет шоҳсупани эгаллаб келган бўлса, бу сафар Мурод Иноятов ўз чемпионлик тожини қозоғистонлик Алексей Кедрюк билан баҳам кўришига тўғри келди. Қизларимизнинг эса унчалик омади чопмади. Турнирда тайпейлик Чин-Вей Чан ва И-Хуан Хван жуфтлиги хитойлик Киен-Юн Хан ва И-Фан Ксу жуфтлиги устидан ғалаба қозонди.

Осиё чемпионати доирасида Осиё теннис федерациясининг директорлар кенгаши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда кўплаб ташкилий масалалар муҳокама этилди, шу жумладан турнирнинг кейинги ўтказиладиган манзили ва умуман тақдири ҳақида кўплаб фикрлар билдирилди. Маълум бўлишича, кўплаб мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон ҳам бу борада кейинчалик даъвогарга айланиши кутилмоқда, аммо ушбу масалада сўнгги нуқта қўйилгани йўқ.

Нима бўлганда ҳам, Осиё чемпионати қаерда ўтказилмасин, олти йил давомида мамлакатимиз ишончни тўлақонли оқлади дейишга ҳақлимиз. Бундай эътироф Осиё теннис федерацияси томонидан билдирилгани эса, албатта, бизни бениҳоя ғурурлантиради.

Шу билан бирга Тошкентда спорт байрами давомий бўлиши кутилмоқда. Яна бироз вақт ўтгач пойтахтимиз «Тошкент опен» – аёллар ўртасидаги жаҳон турнирига мезбонлик қилади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 12 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда.**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 20 апрелдаги ЖИБ УСК 1-127/2007-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Бўзсув каналининг чап қирғоғида жойлашган ум.майд. 0,04га бўлган 27-сонли ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси—4 000 000 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 20 апрелдаги ЖИБ УСК 1-127/2007-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Бўзсув каналининг чап қирғоғида жойлашган ум.майд. 0,04 га бўлган 28-сонли ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқи. Бошланғич баҳоси—4 000 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001 –000010.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ИЧИМЛИК СУВ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек 2007 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ДУК «Сувсоз» трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

**10 сентябрь соат 21.00 дан 11 сентябрь соат 9.00 гача**

1.Сергели тумани: 1, 2, 3, 6, 7, 8 Сергели ва Спутник-1 дан 17 гача мавзеларда сув босими пасаяди.

2.Сергели тумани: Строитель ва Қўйлиқ -7 мавзеларида сув бўлмайди.

**11 сентябрь соат 9.00 дан 12 сентябрь соат 21.00 гача**

1.Миробод тумани: 1, 2, 3, 4, 5-Қўйлиқ мавзелари, Алимбеков, Билимдон, Хушнуд, Қўйлиқ, Истиқбол ва Бадахшон кўчаларида сув бўлмайди.

**12 сентябрь соат 9.00 дан 13 сентябрь соат 9.00 гача**

1.Чилонзор тумани: 6-даҳа 37-уйдан 69-уйгача, 4-даҳа 1-уйдан 18-уйгача сув бўлмайди.

**13 сентябрь соат 9.00 дан 14 сентябрь соат 9.00 гача**

1.Юнусобод тумани: Г.Мавлонов, Муртазоев, Х.Эргашев, Каблуков кўчалари ва уларга туташган кўчаларда сув бўлмайди.

**18 сентябрь соат 9.00 дан 19 сентябрь соат 9.00 гача**

1. С.Раҳимов, Учтепа туманларида сув босими пасаяди.

2.Юнусобод тумани: Ҳасанбой-1 мавзеси, Қозоқбоев, Шарқ ҳақиқати, Беруний, Дархон ва Раҳбаробод маҳаллаларида

С.Раҳимов тумани: Ахил, Мойариқ, Ниҳол маҳаллаларида сув бўлмайди.

**19 сентябрь соат 9.00 дан 20 сентябрь соат 9.00 гача**

1.Чилонзор тумани: 19-даҳа 7-уйдан 10-уйгача, 45 дан 57, 60-уйларгача, 20-даҳа 1-уйдан 17-уйгача, Сўғалота кўчаси 80-уйдан 87-уйгача, А.Тўқай кўчаси 1-уйдан 7-уйгача, К.Қаъни кўч.220/1-уйдан 236/5-уйгача, Тинчлик маҳалласи. Учтепа тумани: 26-даҳа—сув бўлмайди.

**24 сентябрь соат 9.00 дан 25 сентябрь соат 9.00 гача**

1.М.Улуғбек тумани: ТошГРЭС, Яланғоч мавзелари, Мўминов кўчаси ва унга туташ кўчаларда сув бўлмайди.

**25 сентябрь соат 9.00 дан 26 сентябрь соат 9.00 гача**

1.Чилонзор тумани: 13, 14-даҳаларда сув босими пасаяди.

2.Чилонзор тумани: 8-даҳа 53-ва 54-уйлар, 9-даҳа 1-уйдан 4-уйгача, 22-уйдан 29-уйгача, 30-уйдан 43-уйгача, 10-даҳа 3-уйдан 8-уйгача сув бўлмайди.

**26 сентябрь соат 22.00 дан 27 сентябрь соат 6.00 гача**

1.М.Улуғбек, Миробод, С.Раҳимов туманларида сув босими пасаяди. Учтепа, Чилонзор туманларида умумий сув босими пасаяди.

Юнусобод, Ҳамза туманларида қисман сув босими пасаяди.

2.М.Улуғбек тумани: Циолковский, Ҳ.Абдуллаев, Асака, Ҳ.Олимжон, Художник, Черкасск кўчалари ва уларга туташган кўчаларда, 1, 2, 3-Қорасув, Пушкин, Пишпек, Ҳ.Олимжон ва Черданцев мавзеларида

Ҳамза тумани: Машҳадий, Ген. Петров кўчалари ва уларга туташган кўчаларда, Чизельний мавзесида сув бўлмайди.

**27 сентябрь соат 9.00 дан 28 сентябрь соат 21.00 гача**

1.Учтепа тумани: Катта Қаъни, Токзор маҳаллаларида сув босими пасаяди.

2.Учтепа тумани: 26, 30, 31-даҳалар, Ўрикзор мавзесида сув бўлмайди, 18, 19-даҳаларда қисман сув бўлмайди.

**3 октябрь соат 9.00 дан 4 октябрь соат 9.00 гача**

1.Юнусобод, С.Раҳимов, Учтепа туманларида

Яккасарой тумани: У.Носир, Саломатин, Абдуллаев кўчалари, Абдуллаев мавзесида Чилонзор тумани: 1, 2, 3-даҳаларида сув босими пасаяди.

Чилонзор тумани: Домбробод, Қозиробод маҳаллаларида сув бўлмайди.

**Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади. Маълумотлар учун телефонлар: 133-15-95, 133-75-95, 152-60-08.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 806

1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13.50